O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 20 июнь, шанба • № 48 (11.031) • Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ АНДИЖОН ВА ФАРҒОНАГА САФАРИ

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида 18 июнь куни Андижонга келди. Аэропортда давлатимиз раҳбарини вилоят ҳокими К. Обидов кутиб олди.***

Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги "Намуна" жамоа хўжалигига борди. Шунингдек, юртбошимиз Балиқчи туманидаги "Шерали чек", "Пахтакор", "Ўзбекистон" жамоа хўжаликлари бригадалари далаларида бўлиб, пахта ва дон етиштириш, ғўза парвариши, ғалла ўрим-йиғими ишлари қандай бораётганлиги билан қизиқди. Андижон туманидаги ғалла уруғчилиги тажриба пунктида буғдойнинг янги, серҳосил навларини кўздан кечирди.

Мамлакатимиз Президенти Хўжаобод туманида бунёд этилаётган улкан ер ости газ омбори курилишини ҳам бориб кўрди. Бу ерда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами, сифати ва суръати билан танишди. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика тармоғининг бу муҳим иншооти курилишини жадаллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, юртбошимиз мазкур ер ости газ омборининг Фарғона водийси учун нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов шу куни Фарғона вилоятига келди. Уни вилоят ҳокими Н. Мўминов кутиб олди. Мамлакатимиз раҳбари Қува шаҳрида буюк аллома Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан курилаётган Шаҳристон ёдгорлик мажмуини бориб кўрди.

Сафар давомида давлатимиз раҳбарига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Жўрабеков, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев ҳамроҳлик қилмоқда.

**(ЎзА).**







***Бугунги кунда Чирчиқдаги Ўзбек-Олмон «Кибо» болалар пойабзали қўшма корхонаси ўзининг бежирим, сифатли маҳсулотлари билан Ўзбекистон истеъмол бозорини тўлдириб, харидорларни хушнуд этмоқда.***

***Суратларда: моҳир бичувчи Соҳиба Тўйчиева; цехда иш қизғин; бу бежирим пойабзаллар кимга ёқмайди, дейсиз!***

***Даврон АҲМАД ва ЎзА суратлари.***

## ХОРИЖНИКИГА ҲОЖАТ ҚОЛМАЙДИ

***"Электрокимёсаноати" ишлаб чиқариш бирлашмасида асосий маҳсулотлар қатори кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун янги цехлар барпо этиляпти.***

62-цех шундай бўлинмаларнинг бири. Бу ерда тайёрланаётган ва истеъмол бозори учун мўлжалланган буюмлар тури ҳозирнинг ўзидаёқ ўттиздан ошиб кетди.

Нон солиб қўйиладиган махсус идишлар, чаналар, жовонлар, консерва қопқоқлари, пардоз плиталари ва бошқа хил маҳсулотлар шулар жумласидандир. Яқинда цех жамоаси универсал ўт ўчиргич тайёрлашни ўзлаштирди. Унинг дастлабки нусхалари буюртмачиларга етказиб берилди. Талаб кўпайса ҳозирча четдан олиб келинаётган бу муҳим қурилмани ишлаб чиқариш ҳам кенгаяверади. Жамоа бозор талабини ўрганиб, кенг истеъмол молларининг яна янги хилларини ўзлаштиришни ҳам режалаштирмоқда.

**Собир ҲАМИДОВ.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### БУЮК АЛЛОМАГА БАҒИШЛАНДИ

***БУТУН республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан олий ўқув юртлари, мактаблар, илмий муассасалар, меҳнат жамоаларида астрономия, математика география ва бошқа қатор илмлар билимдонига бағишланган давра суҳбатлари, мулоқотлар бўлиб ўтмоқда.***

Яқинда вилоят ўқитувчилар малака ошириш институтида мазкур билим даргоҳи, вилоят маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамкорлигида ал-Фарғоний юбилейи олдидан илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиклари Аҳмадали Асқаров, Азизхон Қаюмов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Шокир Фармонов, филология фанлари доктори Фозила Сулаймоновалар "Аҳмад Фарғоний яшаган давр", "Аҳмад Фарғоний илмий мероси", "Аҳмад Фарғоний буюк италян ёзувчиси Данте ижодида", "Оврупо тан берган олим" мавзуларида маърузалар қилдилар.

Анжуман сўнггида институт директори Дилбар Маликова, вилоят маънавият-маърифат жамоатчилик маркази мутахассиси Сайёра Мамадалиева ва бу муассасада малака ошираётган қатор ўқитувчилар ҳам сўзга чиқдилар.

**Саид АҲМЕДОВ.**

### КЎЧМА ШИФОХОНА ОҲАНГАРОНДА

***Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими сўнгги вақтда шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда бир қатор хайрли тадбирлар ўтказмоқда. Ана шулардан бири оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида жойларда ташкил этилаётган тиббий кўриклардир.***

Мана уч кундирки жамғарманинг кўчма шифохонаси Оҳангарон тумани қишлоқларида муолажа ўтказмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу кўчма амбуланс таркибида барча ихтисосдаги беморларга хизмат кўрсатадиган энг тажрибали шифокорлар бор. Яна шуни алоҳида таъкидлаш кераки, улар туманлардаги энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларга бориб оналар, болалар ва бошқа беморларни қабул қилиб муолажа ўтказмоқдалар. Хусусан, ўтган куни Оҳангарондаги Санам қишлоғида 80 киши шифокорлар кўригидан ўтди. Кўчма шифохона беморларни фақат қабул қилибгина қолмай, муолажага муҳтож кишиларга республика ва вилоятимиздаги етакчи касалхоналарга, санаторийларга даволанишлари учун бепул йўлланмалар ажратмоқда.

Ушбу сафар давомида жамғарма томонидан Оҳангарон тумани оналарига бепул дори-дармон ва фарзандларига 25 минг сўмлик кийим-кечаклар ҳам ҳадя этилди.

**(Ўз мухбиримиз).**

### КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

***Оила йили муносабати билан Ангренда ҳам шаҳар бўйича "Энг намунали оила" кўрик-танлови уюштирилди. Унда маҳаллаларда ўтказилган шундай тадбиркорлар ғолиблари бўлган еттита оила қатнашди. Улар синчков ҳакамлар хайъати олдида оилани таништириш, оила хақидаги қонун-қоидалар бўйича савол-жавоблар, муаммоли зиддиятларни оқилона хал қилиш, эркин мавзуда саҳна кўрсатуви бўйича ўзаро куч синашдилар.***

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган бу беллашувда биринчи ўрин Низомиддин ва Халимахон Исомиддиновлар оиласига насиб этди. Оила бошлиғи нафақага чиққан бўлса ҳам жамоат ишларида фаол қатнашади. Халимахон ая эса ҳамон 41-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс бермоқда. Улар етти нафар фарзандни эсли-хушли, одобли қилиб тарбияладилар.

Ғолиб оилага совға-саломлар топширилди. У вилоят бўйича ўтказиладиган шундай кўрик-танловда қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

**Машкура ЗОҲИДОВА.**

### ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ

***Ангрендаги "Саноатқалинқоғозсавдо" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида янги бўлинмалар барпо этилмоқда.***

Яқинда толали плиталар тайёрланадиган цех фойдаланишга топширилган эди. Июнь ойидан у тўла қувват билан ишлай бошлади. Корхона ишлаб чиқариш чиқиндилари цех учун хом ашё ҳисобланади.

Цехда чиқиндилар елим билан қориштирилиб толали плиталар тайёрланмоқда. Янги бўлинма жамоаси иккинчи чорак охиригача 20 минг квадрат метр ҳажмида шундай қимматли материал тайёрлашни режалаштирган. У мебель саноатида кенг ишлатишга мўлжалланган. Шундай қилиб корхонада чиқитсиз технологияни жорий этиш йўлида яна бир салмоқли одим ташланди.

**Зоҳида МАЪМУРОВА.**

*Ғалла — 98*



***Нон азиз ва мўътабар неъмат! Турмуш тарзимизни усиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ҳам мустақиллик йиллари ичида ғаллачиликни ривожлантириш масаласи республикамизда давлат сиёсатига айланди. Бу тармоқни юксалтириш, ғаллазорларни авайлаб-асраш билан боғлиқ қатор фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси ижобий самаралар бера бошлади. Хусусан, бу йил сидқидилдан меҳнат қилган вилоят ғаллакорлари мўл ҳосил тўпладилар. Энди олдимизда замин саховати билан яратилган баракани нес-нобуд қилмай давлат омборларига етказиб беришдек муҳим вазифа турибди.***

## МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Бошоқли дон экинларини ўз вақтида йиғиб олиш тўғрисида вилоят ҳокими қабул қилган қарорда, ҳокимлик ижроия маҳкамаси агросаноат мажмуи ҳамда қатор бошқармалар ишлаб чиққан тадбирларда ҳам вилоятимизда ўрим-йиғимни юксак унум ва тезкорлик билан юқори сифатда ўтказиш бош йўл деб белгиланди. Бунга эришиш учун алоҳида масъулият талаб қилинади. Айниқса, уйиладиган 392 минг тоннадан зиёд ялпи хирмонимиз, давлатга сотиладиган 229 минг тоннадан кўпроқ ҳосил тақдири ҳар ишда асосий таянч ҳисобланган механизаторларга, бригада бошлиқларига, фермерлар, оила пудратчиларига боғлиқдир.

Бу мақсадда ўрим мавсуми олдидан механизаторларнинг малака ва маҳоратларини оширишга, илғор комбайнчилар ва мутахассислар тажрибаларини оммалаштиришга бағишланган семинарлар айни муддао бўлди.

Бундай мулоқотлар чоғида бу йилги мавсумда ўрим-йиғимга жалб этилган 570 та комбайн, шу жумладан 74 та "Кейс"дан икки смена давомида оқилона фойдаланиш, шу тариқа мавсумни 20-25 иш кунида якунлаш мумкинлиги атрофлича тушунтириб берилди.

Албатта, ана шу мақсадлар рўёбга чиқиши учун механизаторлар, хирмон ишчиларига етарлича шарт-шароитлар яратиб берилиши зарур. Хўжаликларда бу иш анчагина кўнгилдагидек амалга ошди. Ҳар йили яхши самара бераётган бошқарув усули — вилоят ҳокимлиги томонидан бошқармалар, бўлимлар, қатор ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг ғаллакор туманларга масъул этиб тайинланиши, вилоят туманлари қошида ғалла бўйича тезкор штаблар тузилганлиги ҳам ишни тўғри ташкил этишдаги муҳим омил ҳисобланади.

Мавсум мобайнида жалб қилинган 1100 дан кўпроқ юк машиналаридан унумли фойдаланиш, хўжаликларда кўчма устахоналар ишини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилади. Ўрим-йиғим жараёнида комбайнларни нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш борасидаги тадбирлар изчил амалга оширилади.

Бу йўналишда қатор хўжаликларда дастлабки ишлар бошланиб кетди. Жумладан, ўримга вилоятда биринчи бўлиб киришган Бўка туманининг "Бўстон" ширкат хўжалигида механизаторларга иссиқ овқат иш жойининг ўзида тайёрлаб берилмоқда. Уларнинг ва оила аъзоларининг саломатлигини назорат қилиб бориш, моддий аҳволидан хабардор бўлиб туриш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

— Ғалла мавсуми ҳар биримиз учун масъулиятли жараёндир, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид Содиқов. — Унга олдинданоқ пухта тайёргарлик кўрдик. Ўрим-йиғим кунлари бошқарма қошида ғаллакорлар саломатлигини назорат қилиб борадиган, турли ихтисосликдаги малакали шифокорлардан иборат гуруҳлар фаолият кўрсатади.

Мавсумда маданият муассасалари бадиий дасталарининг тушки вақтларда қисқа фурсатга мўлжалланган концертлари, театрлаштирилган ҳазил мутойибали чиқишлари меҳнаткашлар кайфиятини кўтариши шубҳасиз. Вилоят маданият ишлари бошқармаси аввалги йилларда бу борада бирмунча тажриба тўплади. Бошқарма тизимидаги муассасалар мавсумда вилоят маънавият ва маърифат жамоатчилик Маркази билан ҳамкорликда аниқ дастур асосида фаолият кўрсатадилар.

— Бундай масъулиятли паллада шаҳарнинг қишлоққа ёрдам қўлини чўзиши давр тақозо этаётган хайрли омилдир, — дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаев. — Биз оталиғимиздаги Ўртачирчиқ туманини бир неча йиллардан бери комбайнлар, коммуникация, сантехника воситаларини таъмирлаш борасида қўллаб-қувватлаб келяпмиз. Бу йил ҳам ана шу анъана давом этади.

Бундай хайрли ишларда Оҳангарон шаҳри ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўрим-йиғим жараёни ҳар биримиз учун масъулиятли мавсум. Бор ҳосилни нес-нобуд қилмай, давлат омборларига етказиш ва вилоят зиммасидаги топшириқни бажариш ишига муносиб ҳисса қўшиш қатъий бурчимиздир.

**Саидвали ҲАСАНОВ.**

◆ Ўтган куни вилоят далаларида 73 та "Кейс" русумли комбайн ва бошқа ўрим техникаси ишлади.

◆ Ҳар бир "Кейс" комбайни билан кунига ўртача 25-30 гектар майдондаги ғалла ўриб янчилмоқда.

◆ Бекобод, Чиноз туманлари ўримда пешқадамлик қилмоқдалар. Бу туманларнинг ҳар бири кунига минг тоннадан ошириб ғалла топширмоқда.

◆ Эрта-индин вилоятимизда ўрим ишлари янада жадаллашади. Деҳқонларимиз ўрим-йиғимни муддатида тугаллаш, ҳар гектаридан камида 40 центнердан ҳосил олиш, режани ошириб бажариш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда.

## ҲОЗИРЧА 40 ЦЕНТНЕРДАН

***Ҳар бир соҳада бўлганидек, деҳқончилик, ғаллачиликда ҳам ҳисоб-китоб билан иш юритганга нима етсин! Меҳнатингнинг самарасини билиб турасан. Ихлосинг ортади. Айни пайтда йўл қўяётган хато ва камчиликлардан ҳам воқиф бўласан.***

Тажрибали бригадир Омонгелди Абдусатторов ўз иш фаолиятида бу тартиб қоидага қатъий амал қилади. Шу туфайли ҳам у бошлиқ жамоа, мана, бу йил ҳам белгиланган майдонлардаги ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Ўримга биринчилар қаторида тушдилар. Ҳозир битта «Кейс» комбайнида кунига ўрта ҳисобда 20 гектардан, "Енисей" комбайнида эса 7-8 гектардан майдондаги ғалла ўрилиб-янчилмоқда.

— Тахминий ҳисобимиз бўйича, — дейди Омонгелди ака, — ҳар гектардан 40 центнердан хирмон кўтарилмоқда. Эҳтимол ўрим-йиғимга якун чиқарганимизда ҳосилдорлик бундан ҳам юқори бўлади. Чунки айрим далаларимизда ҳосил чўғи биз ҳозир ўраётган майдонларга нисбатан яхши.

Тошкент туманидаги "Тошкент" жамоа хўжалигининг Тўра Тўлаганов бошлиқ пудратчилар ғаллазорларида ҳам ўрим қизғин бораяпти.

Умуман бу йил хўжаликда 60 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Хўжалик туманда биринчилар қаторида ўримни бошлади.

Хўжалик ғаллакорлари ўрим-йиғимни узоғи билан 8-10 кун ичида ниҳоясига етказиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

**Н. РИХСИЕВ.**

*Ҳиссадорлик жамиятларида*

**_Бу автомобил корхонаси жамоаси хизматидан фойдаланаётган мижозлар жуда кўп. Транспортчилар кўплаб саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва хўжаликлар оғирини енгил, йўловчиларнинг узоғини эса яқин қилишяпти. Корхона номи ёзилган турли русумдаги автобуслар вилоятимизнинг деярли барча шаҳарлари ва туманларига қатнамоқда. Уларни республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам учратиш мумкин._**

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Корхона ташкил этилганига ҳам ярим аср бўлибди. Шу вақт ичида ҳар томонлама ривожланди. Транспорт воситалари сони бир неча баробар кўпайди. Шунга қараб жамоа ҳам йилдан-йилга кенгайиб борди. Ҳозир бу ерда бир минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Турли русумдаги 305 та транспорт воситалари уларнинг измида.

— Корхонамиз хўжалик юритишнинг замонавий ва бозор иқтисодига мос ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиши кўп ўтмай ўз самарасини бера бошлади, — дейди корхона бош муҳандиси Абдуманноб Абдураззоқов. — Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшилана борди. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга муносабати кескин ўзгарди. Улар корхона чиқарган акцияларнинг анчагина қисмини сотиб олганларидан кейин бевосита унинг соҳиби бўлиб қолдилар. Шундай бўлгач, қанча яхши ва самарали ишласалар шунча кўп моддий манфаатдор бўлишларини тушундилар. Шу сабабли ўтган хўжалик йили анча дуруст якунланди.

Корхонада ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар ҳам кенг миқёсларда амалга оширила бошлади. Барча турдаги таъмирлаш ишлари анча енгиллашди. Бунинг учун янги асбоб-ускуналар фойдаланишга топширилди. Илгари бензин ва мой қуйиш участкалари анча узоқда жойлашган эди. Биргина шаҳар мой қуйиш шаҳобчасидан фойдаланиш учун 10 километр йўлни фойдасиз босиб ўтиларди. Бу ортиқча харажатларга олиб келарди. Корхона маъмурияти бу ҳолга чек қўйишга киришди. Олинган фойдадан 6 миллион сўм ажратиб, мой ва бензин қуйиш шаҳобчасини бунёд этиш бошланди. Ҳозирги кунда дизел ёнилғисини қуйиш станцияси ишлаб турибди. Бензин қуйиш шаҳобчаси эса ишга тушиш арафасида. Бу иншоот тўла фойдаланишга топширилгач анча миқдордаги маблағни иқтисод қилиш имконини беради. Бир кунда 500-600 литр ёнилғи тежалади.

Ҳиссадорлик жамиятига айланган корхонада ихтирочилик ҳаракати ҳам сезиларли кенгайди. Унда таъмирловчилар фаол қатнашмоқдалар. Бу касб эгаларининг изланишлари билан ишлаб чиқаришнинг қатор қолоқ участкалари такомиллашди. Улар йил бошидан бери 10 га яқин ихтирони жорий қилдилар. Бу янгиликлар яхши самара бераётганлигини тасаввур қилиш учун биргина мисол келтириш мумкин. Корхонада "Доган" русумли автомобилдан ҳам фойдаланилмоқда. Унинг ярим ўқини топиш жуда мушкул, чет элдан олиб келиш учун анча-мунча маблағ сарфлашга тўғри келади. Янгилик изловчилар бу муаммони ҳам шараф билан ҳал қилдилар. Улар "ЗИЛ—130" автомобилининг ярим ўқини шунга мосладилар. Бошқа техник таклифлар ҳам шундай яхши самара бермоқда.

Транспортчилар ўтган йил хўжалик режасини барча асосий кўрсаткичлар бўйича бажардилар. Олинган соф фойда миқдори 11 миллион 300 минг сўмни ташкил этди. Унинг асосий қисми жамоа аъзоларини моддий рағбатлантириш, дивидендлар тўлаш, эҳтиёт қисмлар харид қилишга сарфланди. Акциялар учун дивиденд тўлашга 7 миллион 132 минг сўм ажратилди. У ҳар бир акция ҳисобига 107 сўм 30 тийинга тўғри келади.

Лекин бу кўрсаткич янада юқорироқ бўлиши мумкин эди. Дебитор қарзларнинг кўпайиб кетганлиги бунга имкон бермади. Шу йилнинг майига келиб бундай қарз 45 миллион 350 минг сўмни ташкил этди. Бу, албатта, корхона учун жуда катта маблағ.

— Биз қарздорларнинг айримларини хўжалик судига беришга мажбур бўлдик, — дейди корхона бош муҳандиси. — Масалан, Ангрендаги 17-механизациялашган кўчма жамлама маъмурияти қарзни тўлашни бир неча йилдан бери чўзиб келмоқда. Ҳаммаси бўлиб 2136,7 минг сўм пулни бизнинг ҳисобимизга ўтказиши керак. Илтимосларимиз инобатга олинмаганидан кейин ишни кўриб чиқиш учун хўжалик судига ҳавола этдик.

"Кўмир" ҳиссадорлик жамияти корхоналари ва ташкилотлари ҳам транспортчилардан жуда катта миқдорда қарздордирлар. Биргина 9-шахта 3 миллион сўмликдан ортиқ қарзини узишни ҳамон пайсалга солиб келмоқда. Умуман ҳиссадорлик жамиятининг қарзи 7 ярим миллион сўмга яқинлашиб қолди. Кўрсатилган хизмат учун ҳақни вақтида тўламаслик транспорт корхонаси жамоаси олдида янги мушкулликларни келтириб чиқармоқда.

Март ойида яна бир муаммо вужудга келди. Автотранспорт корхонасига ёнилғининг ўз вақтида ва етарли миқдорда етказиб берилмаслиги оқибатида транспорт воситаларининг бир қисми тўхтаб қолмоқда. Ҳар куни корхона учун 11 тонна ёнилғи талаб қилингани ҳолда 7 тонна бензин берилмоқда.

— Агар кўрсатилган транспорт хизмати учун ҳақ вақтида тўланса, ёнилғи таъминоти изга солинса жамоамиз фаолиятининг кўрсаткичлари анча яхши бўларди, — дейди бош муҳандис. — Шунда давлатга ҳам, жамоага ҳам кўпроқ фойда келарди. Биз бу муаммоларни ўткинчи деб тушунамиз. Вақти келиб улар бартараф этилади. Шундай яхши ният билан ишлайверамиз, барча мижозларимизнинг хизматини ўрнига қўйишга интиламиз.

**_Мутал МУҲАММЕДОВ._**

*21 июнь — Тиббиёт ходимлари куни*



## БАРМОҚЛАР СЕҲРИ

— Қаерингиз безовта қилади? — сўради шифокор Виктория Мифтахуддинова бемордан.

— Бошим оғриганида ўзимни қўярга жой тополмайман. Кейинги пайтларда билакларим ҳам зирқирайдиган бўлиб қолди, — жавоб берди у.

— Ҳозироқ енгил тортасиз, қани ўрнашиб ўтириб олингчи?

Сеҳрли бармоқлар аввал ён чаккаларни, кейин пешона устини гоҳ силаб, гоҳ қўнғироқ тугмасини босгандай босиб ишга тушдилар... Бемор чиндан ҳам енгил тортди. Бир неча бор бундай муолажалардан сўнг, у оғриқдан асар қолмаганлигини, очиқ чеҳрали, сўзлари дилкаш Викторияга мамнунлик билан билдирди.

Чиноз туманидаги кўп ихтисосли шифохона нажоткори ўз бурчини ана шундай ўтаб келмоқда. Бу муддат ичида эшитгани фақат "раҳмат" бўлди. Шифокорга бемор миннатдорчилигидан ҳам улуғроқ мукофот бўлмаса керак.

**_Суратда: В. Мифтахуддинова._**

**_Абдужалол РАҲИМОВ олган сурат._**

## *ШИФОКОР!*

***ДАРДДАН** ҳоли бўлган инсон табассумини кўрганмисиз. Унинг чеҳрасида қуёш кулади, қалбида бутун олам нури жилолаланади, гўё янгидан дунёга келгандек ҳис этади ўзини. Беморга бу шодликни ким бахш этади?*

*Шифокор!*

*Биринчи оналик бахтига муяссар бўлган келинчакнинг шодликдан порлаган кўзларини жажжигина гўдагидан узмаган онларни кузатганмисиз. Ҳаёлини банд этган бу умр давомчисини оиласию, барча-барча одамларни гўзаллик оғушида, меҳр оғушида кўради бу аёл. Унинг дилига қувончни ким жо этди?*

*Шифокор!*

*Қўлига тиғ ушлаб соатлаб ёвуз ажал билан олишган, умрга умр қўшиш учун терга ботган, беморни ҳаётга қайтарганидан тўлқинланиб юз-кўзларини севинч ёшлари ювган оқ халатли фидокорга нигоҳингиз тушганми? Ким у?*

*Шифокор!*

*Вилоятимизда халқ хизматига шай турган 5578 нафар врачлар, 23490 нафар ҳамширалар орасида ана шундай ҳурмат, эътиборга сазовор бўлган нажоткорлар кўп. Ислоҳотлар туфайли, улар фаолиятида ҳам ўзгаришлар рўй берди.*

*Вилоят соғлиқни сақлаш тизими республикамиз ҳукуматининг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисидаги қарори ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш тизимини ривож топтириш тўғрисидаги истиқбол Дастури асосида хизмат даражасини оширмоқда. Уларга мувофиқ, даволаш масканларида янги-янги муолажа услублари шаклланди. Фельдшер-акушерлик пунктлари, қишлоқ участка касалхоналари ўрнида турли ихтисослик бўйича малакага эга бўлган дўхтирлар билан мустаҳкамланган қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) очилди. Ўтган йили улар сони 53 тага етган бўлса, бу йил ана шу қаторга яна 12 та барча қулайликларга эга бўлган ҚВПлар қўшилади. Кундузги шифохоналарга айланиб бораётган даволаш масканларида, поликлиникаларда қатор хасталиклар билан бирга енгил жарроҳлик, жадал даволаш бўлинмалари фаолият кўрсата бошлади.*

*Соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг оила йилидаги эътибори кўпроқ оналик ва болаликни муҳофаза этиш, болаларда учрайдиган шол, бўғма касаллигининг олдини олишга қаратилганлиги, қишлоқ меҳнаткашларини умумий тиббий кўрикдан ўтказиш уюшқоқлик билан ташкил этилганлигини алоҳида эътироф этиш керак. Ана шу тадбирлар туфайли, мазкур касалликларга чалиниш, оналар ва болаларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиши сезиларли камайди.*

*Демак, вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари ўз айёмлари — Тиббиёт ходимлари кунини ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар, дейишга асос бор.*

**_Саид ВАЛИЕВ._**

*"Соғлом авлод учун"*

## МЕҲР ОҒУШИДАСИЗ, БОЛАЖОНЛАР!

ТЎРТ йилдирки, вилоят "Соғлом авлод учун" жамғармаси ўз фаолиятини ана шу шиорга қатъий амал қилган ҳолда юргизмоқда. Ўтган вақт мобайнида жамғарма ходимлари, уларнинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари томонидан оналик ва болаликни муҳофаза этиш, мактаб-интернатлар ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, мурғак болалар масканлари тарбияланувчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, бу муассасаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида жамғарма Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка туманидаги "Меҳрибонлик уйлари" болалари соғломлаштириш лагерларида дам олишлари учун 200 та йўлланмага ҳомийлик қилди. Паркентдаги болалар ҳамда юқумли касалликлар шифохонаси эса бу саховатли муассасанинг 116 минг сўмлик моддий мададидан баҳраманд бўлди.

Мазкур жамғарма ҳамда Қибрай тумани ҳокимлиги биргаликда Тузелдаги "Кичкинтой уйи" жажжиларини ҳам мунтазам йўқлаб турадилар. Туғма ногиронларни меҳр билан парвариш қилаётган бу даргоҳга яқинда болалар кийимлари, ўрин-кўрпа ашёлари, хоналарни таъмирлаш учун 300 квадрат метр линолиум ва 50 минг сўм пул маблағи билан ёрдам кўрсатилди. Жамғарма гўдакларни соғломлаштириш йўлида хизмат бурчини ҳалол ўтаётган шифокорлар, тарбиячилар, шунингдек, Тошкент медицина институти, Ўрта Осиё медицина педиатрия институти нажоткорларига ҳамиша миннатдорчилик билдириб келмоқда.

Чирчиқдаги Меҳрибонлик уйи ҳам вилоят "Соғлом авлод учун" жамғармасининг доимий ғамхўрлигидан алоҳида мамнун. Бу жойда хайрли тадбирларни жамғарма шаҳар ҳокимлиги билан бирга рўёбга чиқармоқда. Тарбияланувчи ҳар бир боланинг омонат дафтарчасига ҳар йили 1000 сўмдан пул ўтказиб борилаётир. Тарбияланувчилар ўз масканларида тикувчилик, ошпазлик касбларини ҳам эгалламоқдалар. Муҳими шундаки, Меҳрибонлик уйи жамоаси болалар мактабни тугатгач, уларни иш билан таъминлайди. Тарбияланувчилар олий ўқув юртини битиргунча шу даргоҳда бўладилар.

— Яқинда шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти билан биргаликда мазкур жойда бўлиб, Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунини нишонладик, — дейди вилоят "Соғлом авлод учун" жамғармаси раиси Жаҳон Роҳатова, — бу ерда етим-есирларга ўқиш, спорт билан шуғулланиш, дам олиш борасида барча қулайликлар мавжуд. Ана шу имкониятларни яратишда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор.

Жамғарма раиси қайси болалар уйида ёки интернатида бўлмасин, тарбияланувчиларни истиқбол режалари билан таништириб бормоқда. Уларга юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли Қибрай туманида махсус болалар шаҳарчаси қурилиши, Бўстонлиқ туманида юқори қувватли таомлар тайёрлайдиган корхона бунёд этилиши, Соғломлаштириш маркази очилиши ҳақида, турли шаҳар ва туманларда болаларга атаб қурилаётган маданий муассасалар, очилаётган янги истироҳат боғлари, томошагоҳлар хусусида сўзлаб бермоқда. Вилоят ҳокимлиги, "Соғлом авлод учун" жамғармаси болаларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун катта ишларни режалаштирганликлари қувончли бир ҳолдир.

**_Чармиён ПЕРЕПЕЛИЦИНА._**

*Бозор ва истиқбол*

**_Ҳар бир мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хорижий компания ва фирмалар фаолияти учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит яратиши муҳим омил ҳисобланади. Мамлакатимизда хорижлик ишбилармонларнинг кенг кўламда фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий замин — барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи компаниялари билан тенг шериклик асосида қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётир, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар эса Ўзбекистон бозорида ўз харидорларини топган._**

**_Ана шундай корхоналардан бири Американинг "Кока-кола" компаниясидир. 1993 йилнинг май ойида мазкур компания билан ҳамкорликда чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарадиган "Кока-кола" ичимлиги "Тошкент ЛТД" қўшма корхонасига асос солинган эди. Айни пайтда мамлакатимизда "Кока-кола"ни билмайдиган ёки унинг қадами етиб бормаган жой йўқ. ЎзА мухбири қўшма корхона бош директори Крис Гаунт билан учрашиб, "Кока-кола" ичимлиги "Тошкент ЛТД"нинг мамлакатимиздаги фаолияти ва корхонанинг келгуси режалари хусусида суҳбатлашди._**

# Coca-Cola® ДУНЁ КЕЗАДИ

**— Ҳурматли бош директор, "Кока-кола"ни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё аҳолиси яхши билади. Лекин унинг тарихи ҳақида кўпчилик аниқ маълумотга эга эмас...**

— "Кока-кола" компанияси чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Компания ўз фаолиятини бошлаганига бир асрдан кўп вақт бўлди. 1886 йил май ойида АҚШнинг Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида доришунос Жон Стейз Пембертон махсус сироп тайёрлаб, савдога чиқарган. Кейинчалик бу сиропга газ қўшилган ва у "Янги сироп" номини олган. Орадан қисқа вақт ўтиб, доришунос Песбертон ўзининг ҳисобчиси Франк Робинсон билан бу ичимликни қандай аташ ҳақида бош қотиради ва уни "Кока-кола" деб номлашга қарор қилади. Шу йилнинг ўзида бу ичимлик биринчи маротаба "Атланта" журналида реклама қилинади. Шундан сўнг унга қизиқиш ва талаб аста-секин орта бошлайди. 1892 йилда бир гуруҳ ишбилармонлар "Жоржия" корпорациясига асос солади ва уни "Кока-кола" компанияси деб атайди. 1893 йилнинг январида компаниянинг савдо белгиси расман рўйхатдан ўтади. Бир йилдан сўнг у ишлаб чиқарган янги ичимлик бутун АҚШ бўйлаб тарқалади. Шу тариқа Атлантада "Кока-кола" сиропи ишлаб чиқариладиган завод ишга тушади. 1899 йилда эса Чаттануга шаҳрида ушбу маҳсулот биринчи маротаба шишаларга солинган ҳолда харидорларга тақдим этилади.

Компания раҳбарлари дастлабки вақтларданоқ асосий диққат-эътиборни рекламага қаратди ва бу ўзининг ижобий натижаларини берди. Айни пайтда "Кока-кола" компанияси дунёнинг 215 мамлакатида чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқармоқда.

**— "Кока-кола"нинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётганига ҳам беш йил бўлди. Компаниянинг шу вақт ичидаги фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.**

— "Кока-кола" ичимлиги "Тошкент ЛТД" қўшма корхонаси ишга тушгандан сўнг қисқа вақт ичида замонавий техника билан жиҳозланди. Корхонамиз ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан "Кока-кола" ичимликлари ишлаб чиқарадиган дунёнинг 50 та йирик корхоналари орасидан жой олди. Компания фаолияти давомида биз Ўзбекистонда тўртта завод очдик. Улар Тошкент, Наманган, Қибрай ва Урганчда ишлаб турибди. Жорий йилнинг июль ойида эса Тошкент шаҳрида яна бир завод очамиз. У "Кока-кола"нинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарувчи энг йирик заводи бўлади.

Қўшма корхона дастлаб фақат "Кока-кола" ичимлигини ишлаб чиқарган бўлса, айни пайтда улар сафига "Фанта", "Спрайт" ва "Бонакуа" ичимликлари қўшилди. Ўтган вақт ичида компания Ўзбекистон бозорига 100 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритди. Дастлаб қўшма корхона 77 нафар ишчи билан фаолиятини бошлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони икки мингга етди. Ишчилар малакасини ошириш учун шу ернинг ўзида хорижлик мутахассислар ёрдамида ўқув маркази ташкил қилинган. Бир неча хизматчиларимиз чет элларда малака ошириб қайтишди.

"Кока-кола" ичимлиги "Тошкент ЛТД" қўшма корхонаси бир неча йиллардан буён Ўзбекистонда ўтказилаётган теннис, футбол ва баскетбол мусобақаларига ҳомийлик қилиб келмоқда. Яқинда Наврўз муносабати билан ўтказилган югуриш бўйича мусобақанинг ҳомийси ҳам "Кока-кола" бўлди.

**— Корхоналарда нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки уларнинг жойларга тақсимланиши ва сотилишини таъминлаш ҳам муҳимдир...**

— Ичимликларимиз Ўзбекистоннинг барча вилоятларига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Шу мақсадда мамлакатнинг бир неча шаҳарларида қўшма корхона маҳсулотларини тақсимлайдиган марказлар очилган. Ҳозир Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарларида "Кока-кола" ичимликларини тақсимлайдиган марказ очишни режалаштираяпмиз. Бу "Кока-кола" маҳсулотларини тақсимлаш ва унинг таннархини арзонлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

**— Ҳар бир компания бирон-бир мамлакатда ўз ваколатхонасини очишдан маълум мақсадни кўзлайди. "Кока-кола"нинг Ўзбекистондаги одимлари қай даражада ўзини оқлаётир?**

— Компания хорижий мамлакатлар бозорига кириб боришдан аввал, биринчи навбатда, ўша ернинг бозори, халқ эҳтиёжи, иқлим шароити, аҳолиси, ҳуллас, ҳамма-ҳаммасини пухта ўрганиб чиқади, чуқур таҳлил қилади. Ана шундан сўнггина амалий ишга ўтади. Компаниянинг асосий мақсади бу ернинг ўзида ичимлик ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш орқали Ўзбекистон бозорини "Кока-кола" ичимлиги билан таъминлаш эди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот киши бошига тақсимлаганда 250 граммлик ҳажмдаги шишадан ўртача 40 та тўғри келар экан. Бундан кейинги мўлжалимиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш ва шу йўл билан унинг нархини янада арзонлаштиришга эришишдир. Демак, ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўп.

**_ЎзА мухбири Равшан МАҲМУДОВ суҳбатлашди._**

*Қарор ва ижро*

**_ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида"ги қарори эълон қилинганига анчагина вақт бўлди. Хўш, қарорнинг ижроси қандай? Тошкент вилояти солиқ бошқармаси ва унинг қуйи бўғинлари ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг фаолиятларини мунтазам текшириб бормоқдалар._**

# КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Маълум бўлишича ҳали ҳам қонунбузарликлар содир бўлиб турибди. Текширишлар давомида акциз маркаси йўқ 1307,6 минг сўмлик 6745 шиша ҳар хил сиғимдаги спиртли ичимликлар ва 5416,6 минг сўмлик 104990 қути тамаки маҳсулотлари мусодара қилинди. Қонунбузарликни содир этган 608 та мансабдор шахс ва тадбиркор фуқароларга 1375,5 минг сўм жарима солинди. 40 та жиноий иш қўзғатилди. Суд органларига 31 та, ИИБ бўлимига 5 та ҳужжат чора кўриш учун, шунингдек, 10 таси назорат тариқасида ўрганиб чиқиш учун прокуратураларга юборилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари раҳбарлари ва фуқаролар Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилишига етарли даражада аҳамият бермаяптилар. Оқибатда эса Қонун устиворлигини тан олмай панд емоқдалар.

Масалан, яқинда Оққўрғон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган рейдлардан бирида тадбиркор фуқаро Тоҳир Абдураимовнинг акциз маркасиз тамаки ва спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, жарима солинди. Лекин берилган моддий жазодан тегишли хулоса чиқармаган Т. Абдураимов акциз маркаларсиз тамаки маҳсулотлари билан савдо қилишни давом эттиравердиди. Натижада унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, туман суди ҳукми билан 37000 сўм миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Худди шу каби Чирчиқ шаҳар фуқароси Р. Юсупов савдо қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жазога тортилган эди. Бироқ шунга қарамай у акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари билан яна савдо қилаётганда қўлга тушди. Ушбу тадбиркорга нисбатан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин гап шундаки, савдо-сотиқ билан шуғулланишнинг ҳам ўз қонун-қоидаси, маданий ва маънавий томонлари бор. Акциз маркасиз маҳсулот сотаётганлар ўз ҳамёнларини ўйлаяптилару қанчадан-қанча одамларнинг соғлиғига заҳмат етказаётганларини, заҳарлаётганларини ўйламаяптилар.

Лекин бундай кишилар узоққа боролмайдилар. Касални яширсанг иситмаси ошкор этади, деганларидек барибир қўлга тушадилар. Хусусан, Бекобод шаҳар бозорида қаттиқ-қаттиқ гапириб турган М. Сотиболдиевадан тадбиркорлик қилиш учун тегишли ҳужжатлар сўралганда нафаси ичига тушиб кетди. Устига-устак 100 минг сўмлик акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотлари билан ушланди. Тожикистон фуқароси Х. Нуралиева эса, мўмай даромад орттириш мақсадида 17 май куни "Тошкент — Бекобод" йўлида хорижда ишлаб чиқарилган ҳар хил турдаги акциз маркаси йўқ 1684 қути тамаки маҳсулотларини олиб кетаётганда қўлга тушди. Афсусда қолган "тадбиркор"нинг "фаолияти" юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Белгиланган қонун-қоидаларга ҳилоф равишда, ҳеч қандай ҳужжатларсиз акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотларини сотаётган янгийўллик О. Нишонбоевнинг қилмиши бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳам чора кўриш учун Янгийўл шаҳар прокуратурасига юборилди.

Баъзан ҳайрон қоласиз! Чўнтагини қаппайтиришга муккасидан кетган бундай шахслар антиқа ҳийлаларни ўйлаб топишади. Чирчиқ шаҳрида "Соғлом авлод учун" ҳайрия жамғармасига қарашли дўкон сотувчиси У. Бегимқулованинг "ўзи хон, кўланкаси майдон" экан. Бўлмаса акциз маркаси йўқ жами 10900 сўмлик спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини бемалол сотармиди? Бу қинғир ишнинг ҳам қийиғи чиқиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Давр ўзгарди, замон ўзгарди. Эндиликда жамиятимизда қонунлар устиворлиги тўлиқ таъминланадиган пайт келди. Белгиланган тартиботларни тан олмай, унга амал қилмай яшаётганларнинг юқоридагилар каби пайи қирқилиши шубҳасиз. Солиқ маҳкамалари ишбилармонликни суиистеъмол қиладиганлар устидан назоратни кучайтираверади. Нафс бандалари буни билиб қўйишлари керак.

**_Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати._**

